

Кибр ва манманлик

05:00 / 01.03.2017 13395

Ҳар бир мўмин мусулмон банда ҳазир бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан яна бири кибр ва манманликдир.

Кибр ва манманлик бир-бирига яқин ва ўхшаш салбий сифатлардир.

“Кибр”, “такаббур”, “кибрё” сўзлари луғатда катталик маъносини билдиради ва ўзини бошқалардан катта, устун ва афзал ҳисоблаш сифатига эга шахсга нисбатан ишлатилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сифатни: «Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», деб таъриф-лаганлар.

Имом Ғаззолий кибрни: «У ўзини улуғ санаш ва қадрини бошқанинг қадридан устун қўйиш», деб таърифлаган.

У Зот «Иҳъёу улумид-дин» асарида кибрнинг бадбахтлик калити эканини қуйидагича баён қилади: «Саодат калити ҳушёрлик ва фаҳму фаросатдадир. Бадбахтлик манбаси кибр ва ғафлатдадир.

Банда учун Аллоҳ таолонинг неъматлари ичида иймон ва маърифатдан улуғи йўқдир. Унга эришиш учун бағрикенглик ва қалб кўзи ўткирлигидан бошқа васийла йўқдир.

Куфр ва маъсиятдан каттароқ бало-офат йўқдир. Мазкур икки нарсага чақиришда қалб кўрлиги ва жаҳолат зулматидан бошқа нарса йўқдир.

Зийрак кишилар Аллоҳ таоло уларнинг ҳидоятини ирода қилган ва қалбларини Исломга кенг қилиб қўйганлардир. Мутакаббирлар Аллоҳ таоло уларни залолатини ирода қилган ва қалбларини худди осмонга чиқаётгандаги каби тор ва танг қилиб қўйганлардир.

Мутакаббир ўз ҳидоятига кафил бўлиши учун қалб кўзи очилмаган кишидир».

Кибрнинг сабаблари

Ўзини юқори олган одам кибр аҳлидан бўлади. Камолот сифатларининг соҳиби бўлган одам ўзини бошқалардан юқори олмайди. Камолот сифатлари эса диний ва дунёвий бўлади. Динийлари илм ва амал бўлса, дунёвийлари насаб, жамол, қувват, мол ва тарафдорлари кўп бўлишидан иборатдир.

Буларнинг ҳаммаси еттитадир:

1. Илм. Илмга уринган баъзи одамлар мутакаббирлик дардига жуда ҳам тез чалинадилар. Улар ўзича илмнинг жамолига ва камолига маҳлиё бўлганлари ҳолда ўзларини юқори олиб, ўзгаларга паст назар билан қарашни бошлайдилар.

Уларнинг кибри икки сабабга оид бўлади.

Биринчи сабаб – илм деб аталаётган нарса ҳақиқий бўлмайди. Ҳақиқий илм орқали банда Роббини ва ўзини яхши танийди. Ҳақиқий илм эгаси тавозуъли бўлади ва кибрга яқин ҳам йўламайди.

Аллоҳ таоло «Фотир» сурасида: «Албатта, Аллоҳдан Унинг уламо бандаларигина қўрқирлар», деган (28-оят).

Иккинчи сабаб – илмга уринган бўлса ҳам, ўзи нафси бузуқ, хулқи ёмон одам бўлишидир. Бу каби одамлар қанча илм олсалар ҳам ўзларини ўнгламаганлари учун ёмон сифатлар уларни тарк этмайди. Нотўғри шахсда пайдо бўлган илм эгасининг мутакаббирлигига сабаб бўлиши ажабланарли ҳол эмас.

2. Амал. Бу ердаги амалдан ибодат ҳам кўзда тутилади. Бу турдаги кибр кўпроқ обид ва зоҳидларда бўлади ва икки қисмдан иборат бўлади.

Биринчи қисм дунёвий ишларда бўлади. Унда, одамлар фақат уларни зиёрат қилиши кераклигини даъво қиладилар. Одамлар уларнинг ҳожатларини чиқаришлари, улуғлашлари, жой бўшатишлари, доимо уларнинг тақволари ва ибодатларини мадҳ қилиб туришлари лозимлигини даъво қиладилар.

Иккинчи қисм диний ишларда бўлиб, унда даъвогар ўзидан бошқалар нотўғри йўлдан бораётганларини ва ҳалокатга учрашларини даъво қилади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон бир одамнинг «одамлар ҳалок бўлди», деганини эшитсангиз, унинг ўзи энг ҳалок бўлганидир», деганлар.

3. Ҳасаб ва насаб ила кибрланиш.

Насаби шарафли бўлган одам ўзидан илми ва амали устун бўлган одамга такаббурли муомала қилади. Уларнинг наздида, бошқа одамлар худди уларнинг қули ёки хизматкоридек бўлади. Ислом таълимотида эса, насаб кишининг амалидан устун қўйилмаган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимни амали ортга сурса, уни насаби олдга сура олмайди», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Яъни, охирада ҳамманинг насабига эмас, амалига қараб да-ража берилади. Кимнинг амали яхши бўлса, насаби қандай бўлишига қарамай олдинга сурилади, олий мартабаларга эриша-ди. Кимнинг амали ёмон бўлса у ортга сурилади, иши чатоқ бўлади. Насаби қанчалик олий бўлмасин, иши олдинга сурил-майди. Шунинг учун ҳеч ким ўзига ишониб қолмаслиги, мағрурланмаслигини керак. Аксинча, кўпроқ яхши амал қилишга уруниш лозим.

4. Жамол ила кибрланиш. Бу нарса одатда аёллар ўртасида кўпроқ учрайди. Улар бир-бирларидан жамоллари ила фахрланиш, бошқаларининг айбларини зикр қилишга ўч бўладилар.

5. Мол билан кибрланиш. Молу пули кўп кишилар исло-мий тарбия олмаган бўлсалар, камбағаллардан кибрланишлари, ўз моллари ила фахрланишлари маълум ва машҳур. Уларнинг кибрлари гап-сўзлари, ҳатти ҳаракатлари ва имо-ишораларидан ҳам билиниб туради.

6. Куч-қувват билан фахрланиш. Бунда моддий ва маъна-вий куч, имконият, чора-тадбирлар ва бошқалар кўзда тутилади. Мутакаббирлар ўзларидан мазкур нарсаларда паст бўлганлар устидан «сени у қилиб юбораман, бу қилиб юбораман», дея фахрланадилар.

7. Ўз тарафдорлари билан кибрланиш. Бунда киши ўз қарамоғидагилар, шогирдлар, хизматчилар, қариндошлар, уруғ-аймоқлар, ака-ука ва фарзандлар билан кибрланади.

Кибрнинг даражалари:

Ибн Қудома Мақдисий кибрнинг уч даражаси борлигини айтади:

1. Кибр инсоннинг қалбида қарор топган бўлади. У ўзини бошқалардан афзал деб билади. Аммо у тиришиб тавозе кўрсатади. Бу одам қалбида кибр дарахти экилган, лекин унинг шохлари кесилган шахсдир.

2. Бир киши ўз ҳаракатлари билан мажлисларда баландпар-возликни, тенгдошлари ўртасида пешқадамликни ва ўз ҳақи камситилишига инкорни ошкор қилади. Олим бўлса, одамлардан юз ўгиргандек бўлиб афтини буриштиради. Обид бўлса, худди одам-лардан жиркангандек бурнини жийиради. Бу иккиси Аллоҳ таоло Ўз набийсига «Ўзингга эргашган мўминларга қанотингни ёзгин» деб берган одобни билмаган жоҳиллардир.

3. Бир кишининг тили билан даъво қилиб, фахрланиши ва ўзини мақташ ила кибр қилиши. Шунингдек, насаби билан кибр қилиши ҳам.

Кибрнинг турлари:

1. Аллоҳ таолога кибр қилиш.

Бу энг ёмон кибрдир. Бу Фиръавн ва Намруднинг кибрига ўхшаш бўлиб, Аллоҳ таолога банда бўлишдан ўзини олиб қочишдир.

2. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга кибр қилиш.

Бу Макка кофирларига ўхшаб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бўйсунушдан жоҳиллик ва саркашлик ила кибр қилишдан иборатдир.

3. Бандаларга кибр қилиш.

Бу ўзини бошқалардан устун қўйиб, ўзгаларга ҳақорат назари билан қарашдан иборатдир.

Кибрнинг ҳукми

Имом Заҳабий ва бошқа уламолар кибр гуноҳи кабира эканини таъкидлаганлар.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида: «Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» деганимизни. Бас, сажда қилдилар, магар Иблис бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди», деган (34-оят).

Қаранг! Мутакаббирлик иблисни куфрга ва Аллоҳ таолонинг лаънатига олиб борди.

Аллоҳ таоло «Наҳл» сурасида: «Илоҳингиз ягона илоҳдир. Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари инкор қилувчидир, ўзлари эса мутакаббирдирлар. Шубҳасиз, Аллоҳ нимани сир тутаётганларини ва нимани ошкор қилаётганларини биладир. Албатта, У мутакаббирларни хуш кўрмас», деган (22–23-оятлар).

Бир тоифа инсонларнинг иймонсиз-кофир бўлишларига уларнинг ўзлари сабабчидир. Иллат, дард, фасод кофирларнинг ичларида бўлади. Уларнинг қалблари иймонга далолат қилувчи оят-белгилардан ибрат олмай, уларни инкор қилади. Ўзлари эса, Аллоҳга бўйсунганини, Пайғамбарга эргашишни ор биладилар, мутакаббирлик қилиб, ўзларини юқори тутадилар.

Аллоҳ уларнинг барчасини яратган зотдир. Уларнинг барча сирларини ҳам, ошкор ишларини ҳам билади. Жумладан, Аллоҳ уларнинг қалблари ҳақиқатни инкор этаётганини ҳам, ўзлари мутакаббирлик қилаётганини ҳам билиб туради. Шу боисдан ҳам:

«Албатта, У мутакаббирларни хуш кўрмас».

Чунки мутакаббирлардан яхшилик чиқмайди. Улар куфрни ихтиёр қиладиган одамлардир.

Ҳориса ибн Ваҳб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Сизларга аҳли жаннатнинг хабарини берайми? Ҳар бир заифҳол ва заифҳол саналгандир. Аммо Аллоҳга қасам ичса, У зот унинг қасамини юзага чиқаради.

Сизларга аҳли дўзахнинг хабарини берайми? Ҳар бир қўпол, саркаш ва мутакаббирдир».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалбида бир дона ачитқи уриғи оғирлигида иймони бор одам дўзахга кирмайди. Қалбида бир дона ачитқи уриғи оғирлигида кибреси бор одам жаннатга кирмайди», дедилар».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалбида зарра оғирлигида кибреси бор киши жаннатга кирмайди», деди-лар».

«Эй Аллоҳнинг расули! Киши кийими гўзал бўлишини, пойафзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» деди бир одам.

«Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севадир. Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», деди-лар».

Иккисини Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қиёмат куни уч тоифага Аллоҳ гапирмайди, уларни по-кламайди ва уларга назар ҳам солмайди. Уларга аламли азоб бўлади: зинокор чол, каззоб подшоҳ ва мутакаббир камбағал».

Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан, у бобосидан розияллоҳу анҳум ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мутакаббирлар қиёмат куни кичик қизил чумолича-ларга ўхшаган кишилар сувратида ҳашр қилинадилар. Уларни ҳар макондан хорлик қоплаб олган бўлади. Бас, улар жаҳаннамдаги Булиса номли қамоққа ҳайдаб борилади. Уларнинг устида оловларнинг олови бўлади. Улар аҳли дўзахнинг йиринги-тийнатул ҳабол ила суғорилади», деди-лар».

Термизий ривоят қилган.

Кибрнинг зарарлари:

1. Кибр Аллоҳ таолонинг ғазабига олиб борувчи йўлдир.
2. Кибр нафснинг паскашлиги ва юзтубан кетганлиги аломатидир.
3. Кибр Аллоҳ таолодан ва одамлардан узоқ бўлишга сабабдир.
4. Кибр дўзах азобига дучор қилади.
5. Кибр ҳалокатга етакловчи ва умрнинг баракасини кетка-зувчи омилдир.
6. Кибр ўз эгасини Аллоҳ таолонинг тоатидан узоқлаштиради.
7. Кибр ўз эгасини Аллоҳ таолонинг раҳматидан қувади.

Кибр ва тавозуънинг белгилари:

Такаббурлик кишининг шакли шамоилидан билиниб туради. Уни юздаги аломатлардан, назар солишдан, бошини тутишдан, ўтиришдан, овознинг оҳангидан, қадам олишдан, ўтириб туришдан ва барча ҳаракат ва саканотлардан билиб олиш мумкин. Қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин.

– Одамларнинг атрофида ёки ҳузурида тик туришини ёқтириш ҳам кибрнинг белгиларидан.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу: «Ким дўзах аҳлидан бир кишига назар солмоқчи бўлса, ўзи ўтириб олиб олдида одамларни тик тургазиб қўйган одамга назар солсин», деган.

– Доимо ортидан одамларни эргаштириб юришни хуш кўриш ҳам кибрнинг аломатларидан саналади.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Модомики, ортидан одам эргаштириб юрар экан, банда Аллоҳ таолодан узоқлашаверади».

Абдуроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳуни қулларидан ажра-тиб бўлмас эди. У кишининг ташқи қиёфаси қуларидан фарқ қилмас эди.

– Дин учун фойдали бўлса ҳам, бировнинг зиёратига бормаслик ҳам кибрланиш сифатларидан биридир.

Суфён Саврий Рамлага келганида Иброҳим Адҳам унинг ол-дига одам юбориб, келиб бизга ҳадис айтиб бер, деган. Саврий келиб илтимосни бажарган. Одамлар Иброҳим ибн Адҳамга: «Эй Абу Исҳоқ! Шундай ҳам қиласизми?» дейишганда, «Унинг тавозуъни синаб кўрдим», деган.

– Бировнинг ёнига ўтирмасликни хоҳламаслик ҳам кибрнинг кўринишларидан биридир.

Ибн Ваҳбдан ривоят қилинади: «Абдулазиз ибн Абу Раавводнинг ёнига ўтирдим. Унинг сонига соним теккан эди, ўзимни четга олдим. У менинг кийимимдан ушлаб ўзига тортди-да: «Нима учун менга жабборларга қилганларинингизни қиласизлар?! Ичингизда мендан ёмон одам борлигини билмайман!» деди».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу мохов, пес ва бошқа мубтало одамларни ўз дастурхонига ўтказар эдилар.

-- Ўз уйида ўз хизматини ўзи қилмаслик ҳам кибру ҳавога далолат қилади.

Умар ибн Абдулазизникига кечаси меҳмон келди. У мактуб ёзиб ўтирган эди. Чироғи ўчиб қолай деди. Меҳмон:

– Туриб чироқни тўғрилаб қўйяйми? – деди.

– Меҳмонини хизматга қўйиш одамнинг карамидан эмас, – деди Умар ибн Абдулазиз.

– Хизматчига билдирмайми? – деди.

– Унинг биринчи марта ухлаб қолиши, – деди-да, ўзи туриб чироққа мой тўлдирди.

– Эй мўминларнинг амири, ўзингиз овора бўлдингиз-а?!

– Борганимда Умар эдим, қайтганимда ҳам Умарман. Мендан бирор нарса камиб қолмади. Одамларнинг яхшиси, тавозуъли бўлганидир», – деди Умар ибн Абдулазиз.

-- Ўзига тегишли нарсани уйига ўзи олиб бормаслик ҳам кибрга киради. Тавозуъли одамлар бундай қилмайдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз матоҳларини ўзлари уйларига кўтариб борар эдилар.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Комил эр киши учун ўз аҳли аёлига кўтариб борган нарсаси унинг камолига футур етказмайди», деган.

Имом Бухорий адабда кийимфуруш Солиҳдан, у ўз момоси-дан ривоят қилади:

«Али розияллоҳу анҳунинг бир дирҳамга хурмо олиб, дастрўмолига солиб кўтариб кетаётганини кўрдим. Бир одам: «Эй мўминларнинг амири, сизнинг ўрнинигизга мен кўтарай», деди.

«Йўқ, оила бошлиғи ўзи кўтармоғи яхшидир», деди у».

КИБРНИ ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кибр ҳалокатга олиб борувчи дардлардан бўлиб, инсоннинг ундан холи бўлиши қийин. Кибрни йўқ қилиш фарзи айнди. Кибр ўз-ўзидан йўқ бўлмайди, балки уни турли дармонларни ишлатиб қунт ва бардавомлик ила даволаш лозим.

Кибрни даволаш икки мақомда бўлади:

Биринчи мақом – кибрни таг-томири билан қўпориб ташлаш.

Бу мақомдаги даволаш илмий ва амалий бўлади. Ҳар иккиси ҳам ишга солинмаса, шифо мукамал бўлмайди.

Илмий муолажа қуйидагича бўлади: Аввало, банда ўзини ва Парвардигорини танисин. Шунинг ўзи ундаги кибрни йўқотиш учун кифоя

қилади. Агар банда ўзининг кимлигини ҳақиқатда англаб етса, ҳар бир хордан ҳам хор эканини, ҳар бир кичикдан ҳам кичик эканини билади. Ана шунда унга тавозуъли бўлиш ва ўзини ҳоки сор тутишдан бошқа нарса тўғри келмаслигини англаб етади.

Агар банда Роббисини ҳақиқий равишда таниса, улуғлик У зотдан бошқага тўғри келмаслигини англаб етади.

Амалий илож қуйидагича бўлади: Бунда амалий равишда Аллоҳ таолога тавозуъ қилинади. Одамларга нисбатан доимий равишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, аҳли солиҳларнинг ва тавозуълиларнинг ахлоқи ила муомалада бўлинади.

Иккинчи мақом – кибрдан вақтинча пайдо бўлиб, инсонни такаббур қилмайдиган даражага келтириш учун ўзига хос сабаб-лар ила даволаш.

Агар кибрланиш насаб туфайли бўлса, билсинки, у бошқанинг камолини кўра олмай ўзини юқори тутмоқда. Шунинг учун отаси ва бобосининг аслини ўргансин. Отасининг асли ифлос нутфа бўлган. Бобосининг асли тупроқ бўлган. Асли бу каби нарсалар бўлган инсонга кибрланишни ким қўйибди?!

Агар кибрланиш жамол туфайли бўлса, ўзининг ичига оқиллар назари билан қарасин, ҳайвон кўзи билан қарамасин.

Агар кибрланиш қувват сабабли бўлса, ўйлаб кўрсин, бир кеча уйқусизлик етса қуввати кетиб ожизларнинг ожизига айланиб қолади-ку! Бир кун иситма чиқса, қувватини бир неча кунгача қайта тиклай олмай қолади. Оёғига тикон кирса нима бўлишини ўйласин.

Агар кибрланиш бойлик сабабли бўлса, ўзидан олдин ўтган ва ҳалокатга учраган бойларнинг ҳолини кўз олдига келтирсин. Офат етиб бир лаҳзада бир тийинсиз қолиши мумкинлигини эсидан чиқармасин.

Агар кибрланиш илм сабабли бўлса, Аллоҳ таолонинг ҳужжати жоҳилдан кўра олимга таъкидли эканини билиб қўйсин. Илм аҳлининг масъулияти катта эканини эсига олсин.

Ҳар бир мутакаббир Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким кибрга лойиқ эмаслигини яхши англаб етсин. Кибр қилган банда Аллоҳ таолонинг наздида ёмон кўринишини унутмасин. Ўзидаги кибрни тавозуъ ила даволаш пайдан бўлсин.

Танбеҳ: Бошқа ахлоқлар каби кибрда икки тараф ва ўртачалик бор. Зиёда тарафи такаббурлик, нуқсонга мойил бўлган тарафи хорлик, дейилади. Ўртачаси тавозуъ деб аталади. Унда ўзини хорламасдан тавозуъ кўрсатилади. Ишларнинг яхшиси ўртачасидир.

Бас, ким ўзини тенгдошларидан юқори тутса, мутакаббирдир. Ким ўзини тенгдошларидан паст тутса, мутавозеъдир. Мўътадил бўлиш яхши. Бунда ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳақи берилади.

МАНМАНЛИК

Бизда манманлик деб аталадиган салбий сифат арабларда «ужуб» дейилади. Бунда киши ўзида бор нарсадан ўзи ажабланади ва мақтанади.

Манманлик уламолар истилоҳида қуйидагича таърифланади: «Ужуб – манманлик неъматни ўзининг фазлидан деб ишониш ва неъмат берувчи Зотни унутишдир».

Муҳаққиқ уламоларимиз манманлик билан кибрнинг орасида нозик фарқ борлигини таъкидлаганлар:

Кибр ички хулқ бўлиб, ундан амаллар содир бўлади. Мазкур хулқ ўзини устидан кибр қилинаётган шахсдан юқори қўйишдир. Манманлик эса тасаввурдан иборат бўлиб, унда манмандан бошқа одам бўлиши шарт эмас.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда манманликни қоралаб «Тавба» сурасида: «Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди. Хунайн кунида ҳам. Ўшанда сизни кўплигингиз манманликка олиб борган ва мағрур қилган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва кенг ер сизга торлик қилиб қолди. Сўнгра ортга қараб қочдингиз», деган (25-оят).

Хунайн уруши Маккаи мукаррама фатҳидан кейин бевосита бошланганидан унга мазкур фатҳда иштирок этган фотиҳлардан ташқари фатҳ сабабли янги мусулмон бўлган Мака аҳли ва бошқа кўпгина томонлар ҳам чиқишган эди.

Ҳамма янги ғалаба – Исломнинг зоҳир бўлиши нашидасини сураар эди. Кўпчилик, мусулмонларга ҳеч ким бас келолмайди, деган фикрда эди.

Биринчи марта мусулмон лашкари ўн икки минг кишилиқ катта лашкарга айланган эди. Кишиларни бу улкан адад ғурурга кетказиб, уларда “Озлик чоғимизда қанчадан-қанча душманлар-нинг устидан ғолиб чиққанмиз-ку, шунча катта сонга эга бўлиб туриб ўзимиздан оз сонли мушрикларни енга олмасмидик, деган манманлик пайдо бўлганди.

Аммо Ҳунайн уруши қизиган пайтда аскар ададининг кўплиги ҳеч қандай фойда бермай қолди. Мушриклар қўйган пистирмадан тўсатдан қашқатқич зарбага учраган мусулмонлар ўзларини дарҳол ўнглай олмай қолдилар. Душманнинг кучли босқини туфайли уларга ер юзи торлик қилиб қолди ва: «Сўнгра ортга қараб қочдингиз».

Қочганда ҳам ҳеч нарсага қарамай қочдилар, ҳатто ўз Пайғамбарини ҳам ташлаб қочдинлар.

Манманликнинг оқибати ёмонлик экани ҳақида бир қанча ҳадислар келган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши ўзининг соч шокиласига ва кийимига маҳлиё бўлиб юриб бораётганда, бирдан уни ер ютиб юборди. Энди у қиёмат қоим бўлгунча пастга тушиб бораверади», дедилар».

Икки шайх ривоят қилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтган умматлардан бир киши ўзининг чиройига, кийимига зеб бериб кеккайгани қандоқ оқибат ила тугаганини ажойиб васф қилиб бериш ила биз мусулмонларни ўша шахсга ўхшашдан қайтармоқдалар.

Мазкур бадбахтликка гирифтор бўлган одам сочини ҳавас билан ўстирган экан. Унинг сочи елкасига тушиб турар, Ки-йимни ҳам бошқаларга кўз-кўз қилиш учун танлаб кийган экан. У кунлардан бир кун «...ўзининг соч шокиласига ва ки-йимига маҳлиё бўлиб юриб бораётганда бирдан уни ер ютиб юборди».

Бунга ўхшаш нобакорларни, ўзини ўзгалардан арзимаган нарса ила устун қўядиганларни, кийими ила манманлик ва мута-каббирлик қиладиганларни

ер ҳам ўз устида олиб турмай ютиб юборишга тайёр экан.

Аmmo ер уни ютиши билан иш битиб қолмайди. Балки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, энди у қиёмат қоим бўлгунича пастга тушиб бораверади.

Яъни, у қиёматгача ер ютиш азобини чекиб, қийналиб тура-ди. Қиёмат куни эса, унинг ҳоли қандай бўлишини Аллоҳ таоло-нинг Ўзи белгилайди.

Ким ана ўша ҳолга учрамай деса, зинҳор манманлик қилмасин.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким манманлик-лик ила кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмас», дедилар.

Шунда Умму Салама: «Аёллар этакларини қандоқ қиладилар?» деди. «Бир қарич тушириб оладилар», дедилар у зот.

«Ундоқ бўлса оёқлари очилиб қолади», деди у.

«Бир зироъ тушириб оладилар, ундан зиёда эмас», дедилар у зот».

Термизий ва унинг икки соҳиби ривоят қилган.

Манманликнинг зарарлари:

1. Манманлик гуноҳларни унутишга ва тавбани кечикти-ришга олиб боради.
2. Манманлик тоатларни озайтиришга ва уларда нуқсонга йўл қўйишга олиб боради.
3. Манман кишининг ҳаракатлари беҳудадир.
4. Манманлик ғурурга ва одамлардан ўзини юқори тутишга олиб боради ва уларнинг ёмон кўришларига сабаб бўлади.
5. Манманлик қилувчи ўзини ўзи ҳалок қилади.

Манманликнинг офатларидан бири кибрга олиб боришидир. Кибрдан эса кўплаб офатлар туғилиши сир эмас. Агар манманлик ва кибр жам бўлиб қолса, иккиси барча фазилатларни йўққа чиқаради ва ҳамма разолатларни жалб қилади. Ким мазкур икки нарсага эга бўлса, насиҳатга қулоқ осмайди ва тарбияни қабул қилмайди.

МАНМАНЛИКНИНГ ДАВОСИ

Банда яхши билиши лозимки, уни ҳам, унданги хислатлар, фазллар ва амалларни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи халқ қилган. Бас, шундай бўлганидан кейин олимнинг илми ила, омилнинг амали ила, бойнинг бойлиги ила, қучлининг қуввати ила, чиройлининг чиройи ила манманлик қилишининг маъноси қолмайди. Чунки ўша нарсаларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг фазлидандир.

Агар биров: «Амални ўз қудратим билан қилганман», дейди-ган бўлса, «Қудратни қаердан олдинг?» дейилади. Амал бўлиши учун одамнинг ўзи, иродаси ва қудрати бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолодандир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч қачон бирор киши ўз амали билан жаннатга кира олмас», дедилар.

Одамлар: «Сиз ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. У зот:

«Мен ҳам. Магар Аллоҳ мени ҳз раҳмати ва фазли ила ўраб олгандагина (кира оламан)», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Манманликнинг сабаблари ҳам кибрнинг сабабларининг ай-ни ўзидир. Уларни аввал кўриб ўтдик.

Мисол тариқасида насаб билан манманлик қилишни олиб кўрайлик. Шарафли насаб эгаси ота-боболарининг шарафи ила нажот топишни хаёл

қилади.

Бунинг иложи қуйидагича: Агар у ўз боболарига хилоф қилса ҳам, кейин бориб уларга қўшилишни орзу қилаётган бўлса, хато қилади. У билиб қўйсинки, боболари тоат-ибодат ва ижобий си-фатлари ила шарафли бўлганлар, насаблари билан эмас.

Аллоҳ таоло «Хужурот» сурасида: «Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир», деган (13-оят).

Саммак ибн Ҳузайфадан, у отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Фотима, Расулуллоҳ қизи! Аллоҳ учун яхши амал қил! Мен қиёмат куни сенга Аллоҳдан бўладиган бирор нарсани қайтара ол-майман», дедилар».

Баззор ривоят қилган.

Баъзи кишилар, шарафли насабга мансуб одам яқинларининг шафоатидан умидвор бўлиши мумкин, дейдилар.

Барча мусулмонлар шафоатдан умидвор бўлишади. Гоҳида дўзахга тушган шахс ҳам шафоат қилиниши мумкин. Аммо гуноҳ кучли бўлса, шафоатнинг кучи етмай қолишини ҳам унутмаслик керак.

Шафоатдан умид қилиб, гуноҳларга ботган одам табибга ишониб дардга парво қилмаган одамга ўхшайди. Зотан, табиб баъзи дардларни даволаши мумкин, ҳаммасини эмас.

Катта саҳобалар охират хавфида бўлар эдилар. Уларнинг мартабасига етмагач, қандай қилиб бепарво бўлиши мумкин?!

Хато фикрга суяниб манманлик қилиш ҳам жуда ёмон нарса. Аллоҳ таоло «Фотир» сурасида: «Қилган ёмон амали ўзига зийнатлаб кўрсатилиб, уни гўзал деб билган одам?!» деган (8 - оят).

Бу манманликни даволаш бошқаларидан кўра мушкул. Ўз фикри ила манманлик қиладиган одам бировнинг насиҳатига қулоқ осмайди. Ўзи нажот деб эътиқод қиладиган нарсани қандай ҳам тарк этиши мумкин?!

Бунинг иложи ўз фикрини доимо танқид остига қўйиш ва у билан ғурурга кетмасликка одатланиш орқали бўлади. ўз фикрига Қуръони каримдан,

суннатдан ва шартлари тўлиқ бўлган ақлий далиллардан шоҳид келтириш билан бўлади. Бу эса Қуръони карим ва Суннатни яхши билишни ва уламолар мажлисини лозим тутиш орқали амалга ошади.

Умр бўйи илмга машғул бўлишни ўзига ихтиёр қилмаган киши яхшиси мазҳабларга ўзини урмаслиги лозим. У уламолар баён қилган маънолар билан кифояланади. Тақвони лозим тутуди ва тоатларни кўпайтиради.

Ким мазҳабларга ўзини урса ва қўлидан келмаган илмий баҳсларга кўмилса, ҳалокатга учрайди.